

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

ЯНГИ ЙЎЛДАН БОРАЁТГАН ЙЎЛ

□ Бунёдкорлик



Сўнгги йилларда мамлакатимизда ҳудудларни ободонлаштириш, комплекс ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг самарасида жойларда замонавий қиёфадаги бинолар қад ростламоқда, йўл ва кўприклар қуриломоқда, муҳандислик-коммуникация тармоқлари тортилиб, одамлар ҳаёт суръатини ошириш учун барча шароитлар яратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган бундай кўламли ислохотларнинг бош мақсади халқни бугундан рози қилиш ва бахтли ҳаёт кечиришига эришиш экани бугун кундай равшан.

Кези келганда, шуни айтиш керакки, жорий йилнинг 30 июль кунин Президентимизнинг "Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Ўрта шахарларни комплекс ривожлантириш" лойиҳасини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатда шахар инфратузилмасини бошқариш самарадорлигини ошириш ва комплекс

такомиллаштириш, ўрта шахарлар аҳолиси учун сервис хизматларидан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятига замонавий техник, молиявий ва бошқарув воситаларини жорий этиш орқали уларнинг салоҳиятини кучайтириш асосий мақсад қилиб олинган.

Давоми 3-бетда ➡
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

Сайлов кодекси: МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Маълумки, сайловлар жамият ва давлат ҳаётидаги энг муҳим масалаларни ҳал қилишда халқ хоҳиш-иродасини акс эттирувчи асосий восита бўлиб, унда халқ ҳокимиятчилиги ва демократия тамойилларининг очик-ойдин ифодасини кўриш мумкин.

Юртимизда сайловга оид муносабатларнинг ўзақ замини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида белгиланган бўлиб, унга кўра: "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади."

Савол туғилади – сайлов ўзи нима?

Сайлов бу – овоз бериш орқали давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқа тузилмаларни ташкил этиш воситасидир.

Бошқача айтганда, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президентини, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларига ва бошқа жамоат тузилмаларига бўлиб ўтадиган сайловлардаги иштироки – уларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевоқифият ҳамда ўз вакиллари орқали қатнашининг ҳуқуқий асосидир. Мамлакатимизда ўтган давр давомида Бош қомусимиздаги "Сайлов ўтказиш тартиби қонун билан белгиланади" деб кўрсатилган нормага мос ҳолда қабул қилинган 6 та қонун ва бир қатор қонун-оқилоқ ҳужжатларига риоя қилинган ҳолда ўтказилган сайловларда сайлов ҳуқуқига эга бўлган сайловчилар қатнашдилар ва ўз хоҳиш-иродаларини эркин ифода этдилар.

Давоми 3-бетда ➡

□ Вилоят ҳокимлигида

Вақт шунчалар тез одимлайдики, баъзи юмушларни бажаришга улгурмай қоламиз. Мана, кўз очиб юмгунча салқин кунлар ҳам бошланди. Олдинда куз-қиш мавсумини беталафот, кўнгилдагидек ўтказиш вазифаси турибди.

ЎЗДА ИШИ ПИШМАГАННИНГ, ҚИШДА ОШИ ПИШМАС

Ҳўш, вилоятимиздаги мактаб, боғча, тиббиёт муассасалари ва бошқа ижтимоий соҳа объектларида мавсумга тайёргарлик қандай кетмоқда? Режадаги ишлар ўз вақтида бажарилаётганими? Бу каби саволларга вилоят ҳокимлигида ўтказилган йиғилишда атрофлича жавоб изланди.

Видеоселекторда бошқарма ва ташкилотлар масъул ходимлари, барча туман ва шаҳарлар мутасаддилари иштирок этишди. Йиғилишни вилоят ҳокими ўринбосари Қобул Ҳамдамов олиб борди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўришда йўл қўйилаётган камчиликлар, шунингдек, қатор ташкилотларнинг бу борадаги ишларга суҳбатчилик билан ёндашаётгани, муаммолар ўз вақтида бартараф этилмаётганини қаттиқ танқид қилишди.

Рақамлар ҳам мавсумга тайёргарлик қоникарли даражада эмаслигини ошқор қилиб турибди. Айрим мутасаддилар долзарб ишларда лоқайдликка йўл қўйишгани маълум бўлди. Масалан, шу кунгача мактаблардаги синган дераза ойналари янгисига алмаштирилмаганини қандай изоҳлаш мумкин?

Шунингдек, 19 та мактабгача таълим муассасаси ҳалигача бир кило ҳам кўмир олмаган. Мактаб ва тиббиёт муассасаларида ҳам шу аҳвол. Аҳолига кўмир етказишда ҳам суҳбатчиликка йўл қўйилмоқда. Қозонхоналар тўлиқ текширилмаган. Кўп қаватли уйларда ҳам муаммолар етарли.

Танқидий руҳда ўтган йиғилишда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама қилиниб, барча мутасаддиларга мазкур масалаларни бартараф этиш юзасидан зарур кўрсатма ва топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз

ВАТАНГА МИЛЛИЙ ҒУРУРИ БАЛАНД, БИЛИМЛИ ЁШ КАДРЛАР КЕРАК...

Тошкент вилояти ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов Қибрай туманидаги 4-умумтаълим мактабда ўқувчи-ёшларга "Мустақиллик дарси"ни ўтди.

□ Мустақиллик дарси



...Чор-атроф байрамонга безатилган, янги ўқув йили бошланиши муносабати билан тантанали сафланиш ташкил этилган. Ота-оналар, маҳалла фахрийлари, нуронийлар ҳам шу ерда. Юракларни жунбишга келтириб биринчи кўнгирок садолари жаранглади.

Хамма синф хонасига ошиқди. Биз журналистлар билан бўлажак дарс жараёни ҳақида суҳбатлашиб турибмиз, кимдир интервью олапти.

Шу пайт тигиз одамлар орасида бошқача бир тараддуд пайдо бўлди. "Келишди, келишди",



деган сўзлар қулоққа чалинди. Вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов мактабга йиғилган ота-оналар ва жамоатчилик вакиллари билан салом-алиқдан сўнг, синфхонага йўл олди.

Мактабнинг юқори синф ўқувчилари вилоят раҳбарининг Ватан тараққиёти, унинг истиқболли, юртимиз ва жаҳондаги ҳозирги ижтимоий-сиёсий вазият, бунда бизнинг ўрнимиз қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги фикрларини қизиқиш билан тинг-лашди.

Шу жойда кўнглимга келган бир

Давоми 2-бетда ➡

ИНСТИТУТДА «5 ТАШАББУС МАРКАЗИ» ИШ БОШЛАДИ

Бундан икки йил аввал ташкил этилган Чирчиқ давлат педагогика институтида янги ўқув йилига бағишланган тадбир қўшалок байрамга айланиб кетди. Сабоби, институт негизда янги ўқув биноси ҳамда "5 ташаббус маркази"нинг очилиш маросими ҳам ўтказилди.

Тантанали тадбирда Олий ва ўрта махсус ҳамда Халқ таълими вазирликлари, идора ва ташкилотлар вакиллари, институтнинг профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлар иштирок этишди.

Маросимда сўзга чиққан институт ректори Ғофуржон Мухамедов, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир, Чирчиқ ша-

ҳар ҳокими ўринбосари Жаҳонгир Маткаримов ва бошқалар йиғилганларни янги ўқув йили ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий ўқув биноси билан табриклашди. Шунингдек, илк бор талаба-лик бахтига эришган ёшлар ва уларнинг ота-оналари ҳам сўзга чиқиб, ўқув даргоҳида яратилган шароитлардан мамнунилик-

ларини изҳор этишди. – Шукр, мана ўғлим талаба бўлди, – дейди Умриниса Хайитова. – У билан баробар ўзим ҳам жуда хурсандман. Замонавий ўқув биноларини кўриб, очиги, ёшларимизга ҳавасим келди. Улар ҳам шунга муносиб равишда яхши ўқиб, етук му-тахассис бўлишларини тилайман.

Меҳмонлар янги бинодаги шароитлар, ўқув хоналари, спорт ва фаоллар зали, ахборот-ресурс маркази билан танишдилар. "5 ташаббус маркази"да эса ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодларини юзага чиқаришга йўналтирилган тўғараклар фаоли-



ят кўрсатмоқда.

Тадбир якунида ёшларнинг бадиий чиқишлари, шунингдек, институт қошидаги "Нихол" талаба-

лар театри жамоаси томонидан саҳналаштирилган спектакль намойиш этилди.

Ўз мухбиримиз

Аудитория диққатини ушлаб туриш учун муайян методологик билимлардан бохабарлик талаб этилади. Ўқитувчилар оиласида катта бўлганим, қолаверса, ўзим ҳам ўқитувчи бўлганим учун масаланинг мана шу жиҳатидан

орзу-идеалларга бурканган фасл. Бугун тийрак кўзларини Рустам Холматовга тикиб, унинг сўзларини жон қулоғи билан тинглаб ўтирган ёшлар, таъбир жоиз кўрилса, орзу билан юзлашаётгандек мамнун, кўтаринки кай-

Давлатимиз тақдири, халқимиз тақдири, миллатимиз тақдири азиз муаллимларга боғлиқдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

ВАТАНГА МИЛЛИЙ ҒУРУРИ БАЛАНД, БИЛИМЛИ ЁШ КАДРЛАР КЕРАК...

кўнглимда озгина хижиллик бор эди.

Йўқ, мутлақо янглишибман. Гоҳи монолог, гоҳи диалог тарзида давом этган биринчи дарс кўз ўнгимда вилоят ҳокимининг яна бир қиррасини намоён қилди. Ўз раҳбаримга бўлган ҳурматим ортди.

Ушбу дарсни тинглаш асносида Президент ислохотларининг яна бир жиҳатини англагандек бўлдим. Гап шундаки, яқиндагина капитал таъмирдан чиққан мазкур мактабнинг ўқувчилари "Вилоят ҳокими бизга дарс ўтармиш", деган миш-мишларни эшитган заҳоти ҳушёр тортгани, ҳоким билан учрашув, бўлажак дарс жараёнини ўйлаб, орзиқиб қўйгани шундоқ сезилиб турар эди.

Негаки, мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан энг салоҳиятли вилоятнинг раҳбаридан бевосита дарс олиш, унинг шоғирди бўлиш ўқувчига алланечук фахр бағишлайди, масъулият юклайди.

Сир эмаски, ёшлик юксак

Бошланиш 1-бетда



фиятда, катта ҳаяжон билан илк сабоқни олди.

Дарров мени раҳбарига қуюқ тавозе кўрсатишда айбланганларга айтаманки, кўз олдимда шундай тарихий воқеалар содир бўлаётганда жим ўтириш, қуруқ ахборот беришдан тийилганими бошқача тушунманглар, илтимос. "Орзу билан юзлашиш", деганда эса мен Рустам Холматовнинг шахсини назарда тутмадим. Вилоят ҳокими, деган юксак макомни назарда тутдим.

Хуллас, ролпа-роса 45 дақиқа ўтди. Дарс тугаганини билдириб, кўнғироқ чалинди. Синфхонада эса жимлик. Ҳоким гапи-

рапти, ёшлар жим эшитаяпти. Мен эса бу манзарани бир журналист ва ўқитувчи касбига томир-томирига эш бўлган инсон, сўзловчининг матбуот котиби сифатида алоҳида қониқиш билан тингладим. Дарсхонада вилоят раҳбари билан ўқувчилар эмас, шу бугундан бошлаб кадрдон устоз-шоғирдга айланган бир жамоа турганини кўриш ниҳоятда ёқимли барибир...

Дарс пайтида ён дафтаримга айрим иқтисодчилар қайд этиб қўйдим. Ушбу мақолани ўқувчилар учун ҳам Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи дарсидаги ўзимга қизиқ ва ўйловли туюл-



ган мулоҳазаларни қуйида ҳавола қиламан:

1. "Ўзини бошқара олмаган инсон – худбин инсон."

2. "Миллат байроғини шунчаки қўлда кўтариб юриш учун ҳам ор-номус, андишали одам бўлиши керак. Уни дунё микёсида баландга кўтариш учун эса фақат ва фақат илм керак, билим керак."

3. "Оққўрғонда ишлаганимда кўрганман. Бир оила бўлар эди. Уларнинг боласи далада мол боқарди, далада ишларди, лекин болақай қўлида китоби билан юрарди, ўқирди. Унинг бир қўшиниси бўларди. Шу қўшининг

боласини тагида машина, егани олдида, емагани ортида, юриши алламбало, ҳол сўрасанг, гапининг тайини йўқ. Орадан вақтлар ўтиб китоб қўлтиқлаган бола таниқли олим бўлди. Наригиси эса дом-дараксиз, нима иш қилаётганини ҳеч ким билмайди. Хуллас, гап шароитда эмас, иштиёқда."

4. "Мақсад сари интилишдан қайтмаслик керак. Университетга ўқишга тенгдошларимдан олти йил кечикиб қирганман. Орада икки йил армияга бориб келдим. Еттинчи йили кирдим ўқишга. Лекин кирдим. Ўша жойга, ўша факультетга. Қайтмадим. Сизлар ҳам мақсад сари дадил боришлар, қайтманглар. Гоҳида аламли мағлубиятлар кишини тоблайди. Менинг ҳаётимда бунақа жуда кўп бўлган..."

5. "Тақдирингиз, келажагингиз ҳозир, шу кунларда ҳал бўлаяпти. Буни ёддан асло чиқарманг. Хаммаси ҳаракатингизга боғлиқ – ёки эл фарзанди, буюк олим бўласиз ёки ҳеч кимга керак бўлмаган, қорин дардида яшайдиган одам бўлиб ўтиб кетасиз дунёдан. Ким бўлишни ўзингиз танланг! Орзу қилишни ўзи кам, ўқимок керак."

Беход ҚОБУЛОВ,
Тошкент вилояти ҳокимлиги
Ахборот хизмати раҳбари
ЎЗА

қарши олинди. Айниқса, устоз-мураббийларнинг қайфияти юқори, ўзларига бўлган ишончи янада ортган. Улар "Ўзгаришни ўзимиздан бошлайлик" шiori-га амал қилган ҳолда ишга киришди.

"Оқтом" маҳалласидаги 740 ўринга мўлжалланган 30-умумтаълим мактаби ҳам "Обод қишлоқ" дастури доирасида янгидан таъмирланди. Замонавий жиҳозлар, дарслик ва қўлланмалар билан таъминланди.

Туман ҳокими Акбар Сулаймонов янги капитал реконструкциядан чиқарилган 14-, 18- ва 30-мактабларга бориб, 1-синф ўқувчиларига Президент совғалари, мактаб жамоасига замонавий компьютер тўпламлари ҳамда 3 мингдан ортиқ ўқув ва бадий адабиётларни топширди.

Аллома ҲУСАНОВА



Илк сабоқ:

ЎЗГАРИШНИ ЎЗИМИЗДАН БОШЛАЙЛИК

Жорий йилнинг 4 сентябрь кuni юртимиздаги барча умумтаълим мактабларида янги ўқув йили бошланди. Биринчи кўнғироқ жарангидан сўнг "Жонажон Ўзбекистоним, мангу бўл омон!" шiori остида Мустақиллик дарслари бўлиб ўтди.

Янги ўқув йилида вилоятимиздаги мавжуд 883 та умумтаълим мактаблари 500 минг нафардан зиёд ўғил-қизни ўз бағрига олди. Улардан 51 минг нафари илк бор мактаб оstonасига қадам қўйган 1-синф ўқувчиларидир. Аянага кўра, уларга 12 турдаги ўқув қуроллари – Президент совғалари тантанали равишда топширилди. Эътироф этиш жоизки, янги ўқув йилида таълимни тубдан такомиллаштириш, билим сифатига янада кўпроқ эътибор қаратиш, педагоглар меҳнатини қадрлашга алоҳида урғу берилмоқда.

Хабарингиз бор, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 10-, 11-синфлар қайта тикланди, битирувчиларни рағбатлантириш тариқасида олтин ва кумуш медаллар жорий этилди. Дарсликларнинг янги авлоди нашрдан чиқди, бошлангич синфлар учун 5 кун-

лик ўқиш ҳафтасига ўтилди.

Шу йил 23 август кuni бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз илгари сурган ташаббусга кўра, барча вилоят, туман ва шаҳар раҳбарлари ўзлари фаолият кўрсатадиган ҳудудлардаги мактабларда Мустақиллик дарслари ўтишди. Улар Истиклолнинг мазмун-моҳияти, ҳурлик нашидаси, бугунги кундаги ислохот ва инновацион лойиҳаларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги аҳамияти ҳақида ёш авлодга сўзлаб берар эканлар, бу ҳар қандай ўқувчи учун маънавий дарс, эсда қолаверса сабоқ бўлганига шубҳа йўқ.

Тошкент туманидаги 1-сонли умумтаълим мактаби мукаммал таъмирланиб, қўшимча 360 ўринли янги бино қурилди. 8 млрд. 760 млн. сўм маблағ ҳисобидан амалга оширилган қурилиш ва таъмирлаш ишларида

сўнг ўзгача қиёфа касб этган муассаса янги ўқув йилида 2 минг нафар ўқувчини ўз бағрига олди.

Туманимиз "Озодлик" маҳалласи ҳудудида жойлашган 18-умумий ўрта таълим мактабида ўқувчилар ўзбек ва рус тилларида сабоқ олишди. Анча йиллар давомида эътибор қаратилмай, ночор ҳолатга келиб қолган мактаб мукаммал таъмирланиб, ўқувчилар ихтиёрига топширилди. Янги ўқув йилининг бошланиши мактабда катта кўтаринкилик билан

диний қадриятларини ҳурмат қилмайдиган, уларни ҳимоя қилишга қодир бўлмаган одам ватанпарвар ва элпарвар бўлиши мумкинми?", – деди давлатимиз раҳбари.

ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРУВЧИ КУЧ

Хабарингиз бор, жорий йилнинг 23 август кuni Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўқитувчи ён дафтаридан



Президент таълимга масъул вазирликларга кўрсатмалар берар экан, энг муҳим – дарсликлар масаласига тўхталиб, шундай деди: "Вазирлик ва унинг бўлинмалари, таълим-тарбиянинг мазмунини, ўқув дастурларини, унинг сифати ва ўқув қўлланмалари билан таъминлаш масалаларига жиддий эътибор қаратиши зарур. Бугунги кунда республика бўйича 400 номдаги 32 миллион нусха дарслик ва ўқув методик қўлланмалар нашр қилинган. Бу режадаги кўрсаткичнинг фақатгина 87,5 фоизини ташкил этади..."

Шунингдек, университет ва институтларнинг профессор-

ўқитувчиларини мактабларга бириктириш лозимлиги ҳақида гапирар экан, олий таълим муассасалари мактабларни оталиққа олишлари кераклигини таъкидлади.

ган одам бамисоли қамоқхонани ёлгандай. Бу нима дегани? Мактаб, таълим-тарбия бор жойда, болалар ёмон йўлга кирмайди, жиноят содир этмайди. Демак, қамоқхоналарга зарурат қолмайди."

"Шуларга қўшимча қилиб айтмоқчиманки, нафақат мактаб оған балки мактабда фидойи бўлиб ишлаган ҳар бир ўқитувчи, ҳар бир устоз ҳам ана шу шарафли мактаб муносиби", деди пировардида Президент.

Бундан ташқари, йиғилишда давлатимиз раҳбари ўқитувчи ва устозлар ҳақида асарлар, фильм ва спектакллар яратилмаётганини танқид остига олиб, шундай деди: "Ҳозирги мактабларимиз ҳаёти ҳақида битта зўр бадий асар ёки фильм ишланса, жамиятнинг онгу тафаккурини ўзгартиришга кучли таъсир ўтказиши табиий".

Мухтасар айтганда, давлатимиз раҳбари видеоселектор йиғилишида маориф соҳасига жиддий танқидий фикрлар билдириб, ёш авлод таълим-тарбиясига эртага эмас, бугунданок киришши кераклигини, бу кечиктириб бўлмас вазифа фақат устоз ва мураббийларнинг эмас, барчамизнинг эзгу мақсадимиз бўлиши зарурлигини яна бир қарра эслатиб қўйди.

А. АЗИЗОВА,
Тошкент туманидаги
13-мактаб ўқитувчиси

Эътиром

Бир вақтлар Ҳожибой Тожибоевнинг ҳажвияларида ўқитувчилар жамиятнинг энг эзилган қатламидек кўрсатилган эди. Дарҳақиқат, шахснинг иқтисодий-ижтимоий имкониятлари унинг оладиган даромадига боғлиқ бўлиб қолган.

ҚАДРИ БЕҚИЁС ҚАДРДОНЛАР

Тасаввур қилинг, муаллим ўқувчига "Илм олсанг – олам сеник!" деб дарс ўтапти. Мактаб боласи бу сўзларни айтган ўқитувчининг илмли киши эканлигини билади. аммо муаллим китоб қўлтиқлаб қишлоқнинг лой қўчаларидан мактабга пиёда кетиб турганида, савдогар қўшиниси "Captiva" русумли автомобилда унга беихтиёр сув сачратиб ўтаётгани ҳам унга маълум. Шартли равишда, болада ўқитувчи айтган мақолга қарама-қарши тушунча шаклланади: "Илм олган ўқитувчи қай ахволдаю, пул толган шоввоқ қандай шароитда?" Пулинг бўлса, олам сеник!" – деб ўйлаши тайин ва шундай тушунча деярли шаклланишга улгурган эди.

Пулсизлик одамнинг иқтисодий имкониятларини чеклаши мумкин, аммо маънавий оламига тўсиқ бўла олмайди. Шу кунгача ўз касбига садоқатли, ҳаётини илмга ва шоғирдларига бетама бахшида этган ўқитувчилар ҳам бўлганки, улар жамиятимизда ҳурматига эгалар.

Мамлакатимиз Президенти раислигида 23 август кuni халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди. Унда Шавкат Мирзиёев давлат, халқ ва миллат тақдири азиз муаллимларга нақадар боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Агар ўқитувчи моддий таъминланган бўлса, у ҳамма вақтини ўз соҳаси бўйича шуғулланишга сарфлайди. Дарслар сифатли бўлади, ёш авлод эса малакали мутахассислардан таълим олади. Чунки, катта маош бераётган давлат шунга яраша қатъий талаблар ўрнатади, албатта. Ахир, Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарофуддинов: "Агар ходим меҳнатига яраша иш ҳақи олмаса, иш ҳақига яраша меҳнат қилишни бошлайди", деб айтган-ку. Мактаб битирувчилари том маънода мактаб илм-фанини ўрганган ва миллий-маданий таълим-тарбияга эга фуқаролик жамияти аззоси бўлиб етишадди. Зеро, Президент Шавкат Мирзиёев айтиб ўтдики:

"Мактаб ўқитувчисини моддий рағбатлантирмасак, унинг ҳаёт сифати даражасини оширмасак, ислохот, натижа ҳақида гапиролмаймиз".

Албатта, бу фақатгина Президентга ёки ўқитувчининг ўзигагина боғлиқ фаолият эмас, бу ўринда, – "Мактаб бу ҳаёт-мамат масаласи, келажақ масаласи. Уни давлат, ҳукумат ва ҳокимларнинг ўзи ҳал қилолмайди. Бу бутун жамиятнинг иши ва бурчига айланиши керак!" – деб айтиб Президент видеоселекторда.

Собик Иттифоқ даврида гугурт нархи бир копейка бўлган кўп айталиди. Ўтган асрнинг 70-80-йиллари мактаб ўқитувчисининг ойлик маоши 150-200 рубль бўлган деб эшитганмиз. Бугун гугурт нархи 200 сўм бўлса, ҳозирги пул ҳисобида уч-тўрт миллион сўм иш ҳақи олишган экан. Сўнгги йилларда ўқитувчининг иш ҳақи у пайтлардаги миқдордан ҳам аста-секинлик билан ошиб бораёпти. Энди мана шу ризқимизни ҳалоллаб олиш, шунга яраша меҳнат қилиш ҳамда унинг самарасини рўёбга чиқариш қолди, холос.

Шу ўринда шоир Аскар Маҳмаднинг сатрини хулоса ўрнида келтириб ўтишни жоиз деб билдик:

...Бир коса сув ичган дарёларимдан –
Бир қошиқ қонимни аяганим йўқ...

Шохрўз УМАРЖОНОВ,
Алишер Навоий номидagi
Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети талабаси

Мустақиллик йилларида сайловларнинг очилиш, тенг-лик, шаффофлик ва умум-тироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларига тўла риоя қилган ҳолда ўтказилганлиги соҳа олимлари, халқаро ҳуқуқ ташкилотлари экспертлари ҳамда ўтган сайловларда иштирок этган кузатувчилар томонидан юксак баҳоланди.

борада олиб борилган изла-нишлар натижасида Ўзбекис-тон Республикасининг "Сай-лов кодекси" лойиҳаси Қонун-чилик палатаси томонидан қабул қилинган, Сенат томо-нидан маъқулланди ва Ўзбе-кистон Республикаси Прези-денти томонидан имзоланиб (УРҚ-544-сон) қучга кирди.

Ўзбекистон Республикаси

лов натижаларини аниқлаш ва эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), Сайловни молиялаш-тириш ҳамда Яқунловчи қондалардан иборат бўлган 18 та боб, 103 та моддада жам-ланган бўлиб, унда жараён билан боғлиқ бўлган барча масалалар қамраб олинган.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтиш кераки, ўтган йиллар

аъзоларининг сайлови бўй-ча овоз бериш тартиби, Се-нат аъзоларининг сайлови бўйича овозларни санаб чи-қиш ва сайлов натижаларини аниқлаш, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларни, хона-ларни ва овоз бериш хонала-рини жиҳозлашга доир талаб-

ган бўш квадратга "+" ёки "x" белгиларидан бири-ни қўйганда сайлов бюллете-ни ҳақиқий деб ҳисобланади. Сайловларнинг тамоман сиёсийлиги ва холислигини таъминлаш ҳамда бунда сиё-сий партияларнинг родини янада мустаҳкамлаш мақсади-да номзод кўрсатиш ҳуқуқига фақатгина сиёсий партиялар

жисмоний ва юридик шахсла-рининг ҳамда халқаро ташки-лотларнинг маблағлари ҳисо-бидан сайловни молиялашти-риш ҳамда номзодлар ва сиё-сий партияларни моддий жи-ҳатдан бошқача тарзда қў-лаб-қувватлаш тақиқланади.

Сиёсий партиялар, бошқа жамоат бирлашмалари, кор-хоналар, муассасалар, ташки-лотлар ва фуқаролар сайлов ўтказиш учун ўз маблағлари-ни ихтиёрий равишда бериш-лари мумкин. Бу маблағлар Марказий сайлов комиссия-си томонидан сайлов кампа-ниясига жараёнида улардан фойдаланиш учун қабул қилиб олинади.

Муҳтарам Президентимиз Ш. Мирзиёев томонидан ил-гари сурилган "Буюк келажак-имизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қура-миз" деган эзгу ғоя асосида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг ижобий натижа-лари халқимизни юртимизда амалга оширилаётган исло-хотларнинг фаол иштирокчи-си бўлишга, бир халқ, бир давлат ва бир Президент ат-рофида жипслашишга унда-моқда.

Бу кайфият, ўз навбатида, жорий йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга ҳам ўзининг ижобий таъсири-ни кўрсатиб, сайловчилар-нинг, сайлов комиссиялари аъзоларининг, сиёсий пар-тиялар вакиллари ва бош-қа сайловга алоқадор бўлган мутасаддиларнинг жараёнда дахлдорлик ҳисси ва масъу-лиятда тўлақонли акс этади, деб ишонамиз.

Дилмурод ИЗЗАТОВ,
Фуқаролик жамияти
шаклланишини мониторинг
қилиш мустақил институти
вилоят ҳудудий бўлими
раҳбари

ЭЗГУ УМИДЛАР ОСТАНАСИ

Куйичирчиқ туманидаги транс-порт ва хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежида ҳам янги ўқув йили бошланиши муносабати би-лан тадбир ўтқа-зилди.



Мазкур коллежда 141 нафар ўқувчи 4 та йўналиш бўйича таълим олади. Уларга 6 нафар иш-лаб чиқариш таълими устаси ва олти ўқитувчи дарс беради.

Тадбирда сўз олган-лар, бугунги кунда юр-тимизда ёшларнинг билим олиши, эркин касб тан-лаши, меҳнат қилиши учун етарли шароитлар яратиб берилаётганини алоҳида таъкидлашди. Шунингдек, уларнинг тад-биркорлик ва бошқа со-ҳалардаги ташаббусла-рини қўллаб-қувватлаш борасида амалга ошири-лаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтишди.

Шу кун 2018-2019 ўқув йилида таълим, спорт, саноат ва бошқа йўналиш-ларда ўз билими, иқтидо-ри ва салоҳиятини намо-йиш этиб, ютуқларга эришган бир гуруҳ ўқув-чилар тақдирланди.

Тумандаги 21-Болалар мусика ва санъат макта-би ўқувчилари тайёрла-ган бадиий чиқишлар, чиройли рақслар йиғил-ганларга кўтаринки кай-фият бағишлади.

Ўз мухбиримиз

Х. МАНСУРОВ
олган сурат

Сайлов кодекси:

МИЛЛИЙ САЙЛОВ ТИЗИМИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бир қарашда бу борадаги ишлар тартибга солингандек эди, бироқ сайловларга ало-қадор бўлган қонунларнинг қўлиги ва уларда бир-бири-ни тақдорловчи нормалар-нинг мавжудлиги сайловлар-ни ташкил этиш ва ўтказиш-га масъул бўлган мутасадди-лар билан бир қаторда экс-пертлар фаолиятида ҳам но-қулайликларни келтириб чи-қараётгани ҳам бор гап.

Муҳтарам Президентимиз 2017 йил 22 декабрь кун 1-Мажлисида қилган мурожаат-номасида ушбу масалага ало-ҳида тўхталиб, "Сиёсий ҳаё-тимизда муҳим аҳамиятга эга бўлган сайлов қонунчилиги ҳалигача яхлит бир ҳужжат шаклига келтирилмагани са-бабли халқаро норма ва стан-дартларга жавоб берадиган ягона Сайлов кодексини иш-лаб чиқиш ва қабул қилиш ло-зим"лиги ташаббусини бил-дирди.

Ўтган давр давомида бу

Бошланиш 1-бетда

нинг "Сайлов кодекси" Умумий қоидалар, Сай-лов округлари ва участ-калари, Сайлов комис-сиялари, Сайловчилар-нинг рўйхатлари, Сай-лов бюллетени, Куза-тувчиларнинг, сиёсий партиялар ваколатли вакиллари, омма-вий ахборот воситала-ри вакиллари ҳуқуқ ва мажбуриятлари, Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш, сиёсий партия-ларнинг сайловда иштирок этиши, Номзодларни ва улар-нинг ишончли вакиллари рўйхатга олиш, уларнинг ҳуқуқий мақоми, Сайловдаги ташқиоти, Овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш, Так-рорий овоз бериш, такрорий сайлов, Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайловининг ўзига хос хусусиятлари, Қонунчилик палатаси депутат-лари сайловининг ўзига хос хусусиятлари, Сенатни шакл-лантириш тартиби, Махаллий Кенгашларга сайловнинг ўзига хос хусусиятлари, Сай-

даги тажриба ҳамда таклиф-лар инobatга олинган ҳолда, Кодексда аввалги қонунларда бўлмаган бир қатор алоҳида моддалар ўрин олган.

Жумладан, сайловчилар-нинг ягона электрон рўйхати, участка сайлов комиссияси-нинг овоз беришдан олдинги фаолияти, участка сайлов ко-миссиясининг овоз бериш кунидagi фаолияти, сайлов-чининг турган жойида овоз бериш, участка сайлов комис-сиясининг овоз бериш туга-ганидан кейинги фаолияти, Сенат аъзолигига номзодлар кўрсатиш, Сенат аъзолари-нинг сайлови бўйича овоз бе-ришни ташкил этиш, Сенат

лар шулар жумласидан-дир.

Бундан ташқари, мамлакат сайлов тизи-мидаги янгиликлардан яна бири бу овоз бе-риш вақти билан боғ-лиқ бўлиб, сайловчи-лар ва сайлов комис-сиялари аъзоларига қулайликлар яратиш мақсадида овоз бериш сайлов кун 8.00 дан 20.00 гача ўтказилиши бел-гиланди. Яъни, овоз бериш кун 8.00 да Ўзбекистон Республи-касининг Давлат маҳияси ян-граиди ва овоз бериш бош-ланади.

Шунингдек, илгари сайлов-чи сайлов бюллетенида ўзи ёқлаб овоз бераётган ном-зоднинг рўпарасида, ўнг то-монда жойлашган бўш квад-ратга белги-крестик "+" бел-гисини қўйганда сайлов бюл-летени ҳақиқий деб ҳисоблан-ган бўлса, эндиликда сайлов-чи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпа-расида, ўнг томонда жойлаш-

Тиббиёт

ОЛМАЛИҚДА ИШ ҚИЗГИ

Вилоятимизда аҳолига бирламчи тиббий санита-рия ёрдами хизматини кўрсатиш бўйича Олмалик шаҳри ва Пискент тумани Тиббиёт бирлашмалари жорий йил октябрь ойи-гача намунали тиббий бирлашмалар сифатида ташкил этилади.

Ҳозирда мазкур чора-тадбирлар юзасидан Ол-малиқ шаҳрида амалий ишлар бошлаб юборил-ди.

Вилоят ҳокимлиги
Ахборот хизмати

Аҳоли саломатлигини сақлаш мақсадида вилоя-тимизнинг турли ҳудуд-ларида соғлиқни сақлаш бошқармаси ташаббуси билан тез-тез чуқурлаш-тирилган тиббий кўрик-лар ташкил этилмоқда. Ана шундай тадбирлар-дан бири Зангиота тум-анидаги 20-қишлоқ оила-вий поликлиникасида ўтказилди.

САЛОМАТЛИК ОМИЛИ



Мазкур тиббий-кўрикка малакали шифокорлар жалб қилинди. Улар кў-риқка келганларни тек-шириб, керакли муола-жаларни амалга оши-ришди, зарур тавсиялар беришди. Тадбир даво-мида ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга ре-абилитация техник воси-талари, ногиронлик ара-вачалари, республика их-тисослаштирилган мар-казларида даволанишлар-и учун имтиёзли йўл-лама ва ордерлар бе-рилди.

Робия АБДУҲОЛИҚОВА,
Ўзбекистон журналистика
ва оммавий
коммуникациялар
университети талабаси

СОҒЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА

Бугунги кунда ОИВ касаллиги глобал муаммолардан бири. Ҳўш, бу ўзи қандай касаллик? Унинг давоси бор-ми? Шу каби саволларга Чирчиқ шаҳрида "Биз ОИВ касаллигига қаршимиз" шиори остида ўтказилган тадбир-да жавоб изланди.

Тадбирда иштирокчилар-га касалликнинг келиб чи-қиш сабаблари хусусида ту-шунчалар берилди. Шунинг-дек, ўқувчилар ўртасида мавзу юзасидан расмлар танлови ўтказилди. Фолиб-ликини кўлга киритган ёш расмсоллар эсдалик совга-лари билан тақдирланишди.

Бундан ташқари, барча қат-нашчилар учун ОИВ инфек-циясини экспресс усулда аниқлаш акцияси ўтказилиб, малакали мутахассислар то-монидан зарур тавсиялар берилди.

Таъкидланганидек, ахло-қий нопоқлик, гиёҳвандлик каби иллатлар бу касаллик-



нинг асосий манбалари ҳисобланади. Мазкур иллат-лардан йироқ юрган одам бу ҳасталикка чалинмайди. Соғлом турмуш тарзини

шакллантириш касалликнинг олдини олишда энг мақбул йўлдир. Вилоятимизда бу бедаво дардга қарши кура-шиш борасида доимий ра-

ЯНГИ ЙЎЛДАН БОРАЁТГАН



ладан, шаҳар ҳокимлиги, прокура-тура, суд, банк ҳамда бошқа бир қатор давлат ташкилотларининг биноси, мактаб ва боғчалар таъ-мирланмоқда. Айниқса, ҳозир мар-казий кўчани кенгайтириш ва янги кўприк қуриш ишлари қизғин кеч-моқда.

Янги бунёд этилаётган кўприк шаҳар кўчаларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, тир-бандликларнинг олдини олишга ва масофани қисқартиришга хизмат қилади. Унинг узунлиги салкам 600 метрни ташкил этади. Қурилиш ўтган йилнинг ноябрида бошлан-ган бўлиб, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик компания-сига қарашли "Кўприк қурилиш трести" 13-отряд бунёдкорлари томонидан олиб борилаёпти. Қурилиш унумини ошириш учун



иш икки сменада ташкил этилган. - Кўприкнинг мустаҳкам чиқи-шида белгиланган талаб ва стандартларга тўлиқ амал қилиш муҳим ҳисобланади, - дейди 13-отряд масъул ходими Даврон Маҳ-камов. - Шу сабабдан, биз иш жа-раёнида бу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиб, хавфсизлик чо-



вишда тарғибот ва профи-лактик тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бундан мақсад ёшларни бу касалликдан ас-раш. Хар бир инсон ўзининг соғлиги учун ўзи масъул эканлигини тушуниб етсин.

Дарҳақиқат, саломатлик буюк неъмат. Уни асраб-авайлаш ҳар кимнинг ўз қўлида. Шу жиҳатдан аҳоли, айниқса, ёшларнинг инсон ҳаётига хавф солувчи бун-дай касалликлар ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўли-ши ҳаётий заруратга айлан-ган.

Ўз мухбиримиз
Мансур ХИММАТОВ
олган сурат

ликлар вужудга келарди. Бундай ноқулайликларни бартараф этиш учун марказий кўча кенгайтирил-моқда. Техникаларнинг бири йўлни текислаш, бошқаси асфальт тўкиши билан банд. Айтишларича, аввал кўчанинг кенлиги 8 метрни таш-кил қилган, энди эса 15 метрга ет-казилади. Ҳозирги пайтда белги-ланган юмушларнинг аксарияти ба-жарилди. Кўчага ёриткичлар ҳам ўрнатилди. Улар шаҳарни тунда янада мафтункор кўрсатиб, ҳай-довчи ва аҳолига қулайлик ярати-ши шубҳасиз. Машиналар қатно-вига ҳалал бермаслик ва пиёда-лар хавфсизлигини таъминлаш учун махсус йўлакча ҳам тайёрлан-ди.

- Олиб борилаётган кўламми

қурилишлар яқунланса, шаҳримиз-ни танимай қоласиз, - дейди Ян-гийўл шаҳар ҳокимининг саноат-ни ривожлантириш, капитал қури-лиш, коммуникациялар ва комму-нал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари Алишер Усмонов. - Ҳозирда ёш авлоднинг шинама ва кўркам, барча қулайликларга эга биноларда билим олиши учун ҳудудимиздаги 8 та боғча ва мак-таб тўлиқ таъмирланмоқда. Шу-нингдек, аҳолини тоза ичимлик су-вига бўлган эҳтиёжини таъминлаш мақсадида эски қувурлар янгиси-га алмаштирилди. Уйга муҳтож оилаларга 10 та 7 қаватли турар-жой қуриллапти. Бундан ташқари, "Наврўз" маҳалла фуқаролар йи-гинидаги янги сайилгоҳ ҳам би-тай деб қолди. Бу кўнгилочар мас-кан янгийўлликлар учун Мустақил-лик байрамига ажойиб тўхфа бўлди. Энди аҳолининг бўш вақт-ларида бемалол мароқли ҳордиқ олишлари мумкин. Бир сўз билан айтганда, Янгийўлимиз ҳадемай барча хавас қиладиган кўркам ва обод шаҳарга айланади.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
мухбири

